

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

237 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2366*

(2012 йил 31 майдан кучга киради)

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 37-сон, 375-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 16-сон, 179-модда) мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга қиради.

Вазир

Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 20 май,
74-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2012 йил
20 майдаги 74-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент
шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича
ҳисобга олиш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда фуқаролар деб юритилади) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш (кейинги ўринларда ҳисобга олиш деб юритилади) тартибини белгилайди.

2. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан олти ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасасига келган шахслар учун — ўқиш даврига) амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий қоғозларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди.

Ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш ҳуқуқига эгадир.

3. Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

**II боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент
вилоятида ҳисобга олишни расмийлаштириш**

4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган ку-

нидан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги милиция таянч пунктига (кейинги ўринларда МТП деб юритилади) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ ариза;
паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ турар жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилги);

турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;

ҳисобга олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

5. Мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин МТП профилактика (катта) инспектори фуқаронинг аризасини мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ юритиладиган «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»га қайд этади ҳамда шу куннинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 4, 4а, 5 ва 5а-иловаларига мувофиқ фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган, Тошкент шаҳри (Тошкент вилоятида) турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги ҳужжатга қайд варағи (кейинги ўринларда қайд варағи деб юритилади) беради.

Қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган, қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

МТП профилактика (катта) инспектори қайд варағини расмийлаштириб беришда фуқарога қайта ҳисобга олиш тартибини ва ариза топшириш муддатини тушунтиради.

6. 16 ёшга тўлмаган шахсни ҳисобга олишни расмийлаштиришда унинг шахсини тасдиқлаганлик учун жавобгарлик турар жой майдони берган турар жой мулкдори (мулкдорлари) зиммасига юкланади.

7. Мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида МТП профилактика (катта) инспектори фуқарони ҳисобга олиш йиғма жилди очади ва уларни ушбу йиғма жилдга тикиб қўяди.

Фуқарога турар жой майдони берган турар жой мулкдорининг ёзган аризаси (розилги) МТПда юритиладиган «Фуқароларни қабул қилиш китоби»га қайд этилади.

8. Ариза берувчининг паспортида ва турар жойнинг уй дафтарида (прописка карточкасида) ҳисобга олиш тўғрисида белги қўйилмайди.

9. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинган фуқаро ҳисобга олинган жойида яшаши керак.

10. МТП профилактика (катта) инспектори фуқарога қайд варағини бергандан кейин беш кун ичида ушбу фуқарони Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг (кейинги ўринларда Тошкент шаҳар ИИББ деб юритилади) Манзил-маълумотнома бюросидан, шунингдек бир ҳафта ичида унинг қидирувда эмаслигини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИБ деб юритилади) Ахборот марказидан текширади.

Текшириш натижасида ҳисобга олинган фуқаро қидирувда бўлганлиги аниқланган тақдирда МТП профилактика (катта) инспектори зудлик билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (кейинги ўринларда ТШИИБ деб юритилади) бошлиғига билдирги орқали маълум қилади.

11. Таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган фуқаролар ўқиш даври учун ҳисобга олинади. Бунда, таълим муассасаси томонидан фуқаронинг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўлган тақдирда 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат) ва турар жой билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома тегишли МТПга тақдим этилади. Агар фуқаро олий ўқув юртига қабул қилинган бўлса, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ҳисобга олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция ҳам юборилади.

12. Фуқаро таълим муассасасининг турар жойидан бошқа турар жойда яшаш истагини билдирганда, таълим муассасасининг розилик хати асосида фуқаро танлаган жойи бўйича МТП томонидан ҳисобга олинади.

13. Фуқаронинг таълим олиши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятдан ташқарида жойлашган бошқа таълим муассасасига кўчирилганда, фуқаро академик таътил олганда ёки таълим муассасасидан ўқишдан четлаштирилганда, ушбу муассаса тегишли қарор қабул қилиб, муддати ўтмаган қайд варағини таълим олган фуқародан олиб, шу куннинг ўзида хабарнома билан бирга тегишли МТПга юборди.

14. Профилактика (катта) инспектори МТПда мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ юритиладиган «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»га фуқаронинг ҳисобга олинганлиги бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритиб, бир кунда Тошкент шаҳар ИИББ Манзил-маълумотнома бюросига мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ хабарнома юборди.

15. Қайд варағи йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда фуқаро ҳисобга олинган МТПга шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этган ҳолда қайд варағи йўқолиши ёки яроқсиз ҳолга келиши ҳолатларини кўрсатиб, қайд варағининг дубликатини расмийлаштириш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ ариза билан мурожаат қилади.

16. МТП профилактика (катта) инспектори фуқаронинг қайд варағи йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келганлиги юзасидан ёзган аризасини қабул қилиб, аризада кўрсатилган манзилда ушбу фуқаронинг ҳисобга олинганли-

ги тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини текширади. Фуқаронинг аризада кўрсатилган турар жойда ҳисобга олинганлиги тасдиқланган тақдирда ариза берувчига ўша куннинг ўзида қайд варағининг дубликати расмийлаштириб беради ва мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ юритиладиган «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»нинг «изох» устунига «дубликат» деб қизил рангда ёзиб қўяди.

17. Фуқаро ҳисобга олинган муддат давомида ҳисобга олинган турар жойдан бошқа манзилдаги турар жойга яшашга ўтса, янги турар жойи бўйича МТПга мазкур Йўриқноманинг 4-бандида кўрсатилган ҳужжатларни (иккинчи ва саккизинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари), мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ аризани, шунингдек аввалги турар жойи бўйича ҳисобга олинганлигини тасдиқловчи қайд варағини тақдим этади.

18. МТП профилактика (катта) инспектори тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб, мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ юритиладиган «Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»га қайд қилади.

19. МТП профилактика (катта) инспектори шу куннинг ўзида қайд варағида кўрсатилган муддатга янги қайд варағини расмийлаштириб беради ва эски қайд варағини фуқаронинг олдинги ҳисобга олинган жойи бўйича МТПга юборади.

20. МТП профилактика (катта) инспектори тақдим этилган ҳужжатлар асосида йиғма жилд очади ва бир вақтнинг ўзида Тошкент шаҳар ИИББ-нинг Манзил-маълумотнома бюросига мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ хабарнома юборади.

III боб. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиш

21. Охириги ҳисобга олиш расмийлаштирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш ИИВ Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бош бошқармаси (кейинги ўринларда ИИВ ҲООББ деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Бунинг учун фуқаро қайд варағи муддати тугашидан камида ўн беш кун олдин турган жойига хизмат кўрсатувчи МТПга мазкур Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатлар (иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжатдан ташқари) билан бирга мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ қайта ҳисобга олиниши юзасидан ариза тақдим этади.

Ариза мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ «Фуқароларнинг турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китоби»га қайд этилади.

22. Ариза қайд этилгандан, ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан ва белги-ланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин МТП профилактика (катта)

инспектори тўпланган ҳужжатлар асосида фуқарога мазкур Йўриқноманинг 7-бандида назарда тутилган йиғма жилд очади ва шу куннинг ўзида уларни ТШИИБ Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлимларига (кейинги ўринларда ҲООБ деб юритилади) тақдим этади.

23. ТШИИБ ҲООБ масъул ходими уч кун муддатда ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текширади ҳамда ўрганиш якунлари бўйича ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобга олишни такроран расмийлаштиришнинг мақсадларини ва ариза берувчининг олдинги ҳисобга олиш давридаги фаолияти турини, шунингдек турар жой майдони берадиган шахслар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ маълумотнома тайёрлайди.

24. ТШИИБ ҲООБ бир сутка мобайнида кўриб чиқилган материалларни Тошкент шаҳар ИИББнинг ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг (кейинги ўринларда Тошкент вилояти ИИБ деб юритилади) ҲООБга юборади. Тошкент шаҳар ИИББнинг ва Тошкент вилояти ИИБнинг ҲООБ бир сутка мобайнида ариза берувчи тўғрисидаги маълумотларни компьютер базасига киритади ва ТШИИБ ҲООБ маълумотномасини ўрганиб, мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ хулоса тайёрлаб, материалларни ИИБ ҲООБга юборади.

25. ИИБ ҲООББ материалларни уч кун муддатда кўриб чиқиб, ҳисобга олишни такроран расмийлаштиришга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ қарор қабул қилади ва бир сутка мобайнида Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент вилояти ИИБ ҲООБни қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

26. Фуқаронинг охириги ҳисобга олинган муддат давомида жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун икки ва ундан ортиқ мартаба маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ёки жиноий жавобгарликка тортилганлиги уни қайта ҳисобга олинишини рад этиш учун асос бўлади.

27. Тошкент шаҳар ИИББ ҲООБ ва Тошкент вилояти ИИБ ҲООБ бир сутка ичида ИИБ ҲООББ қарорини ижро этиш тўғрисидаги кўрсатмани тегишли ТШИИБ ҲООБга юборади. ТШИИБ ҲООБ бир сутка мобайнида ушбу кўрсатмани МТП профилактика (катта) инспекторига етказди.

28. ИИБ ҲООББнинг қарори ижобий бўлган тақдирда МТП профилактика (катта) инспектори бир сутка мобайнида ариза берувчини хабардор қилади ва белгиланган тартибда фуқарога қайд варағини такроран расмийлаштириб беради, қарор салбий бўлган тақдирда эса — ушбу қарорни ариза берувчига етказди ҳамда уни ички ишлар органи томонидан белгиланган муддатда Тошкент шаҳридан ва Тошкент вилоятидан чиқиб кетиш мажбурияти тўғрисида огоҳлантиради.

IV боб. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинган фуқаролар тўғрисида ўзаро маълумотлар алмашиш

29. МТП профилактика (катта) инспектори ариза берувчига қайд варағи

берилгандан кейин ҳисобга қўйилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ИИБ белгиллаган шаклдаги МТПнинг компьютер маълумотлар базасига киритади.

Фуқаро Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олинганда МТП профилактика (катта) инспектори мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига мувофиқ икки нусхада фуқаронинг келиш варақасини тўлдиради ҳамда бир суткада ТШИИБ ҲООБга тақдим этади.

30. ТШИИБ ҲООБ МТПдан олинган келиш варақаларини ҳафтасига икки марта Тошкент шаҳар ИИББнинг Манзил-маълумотнома бюросига юборади. Бир вақтнинг ўзида фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги келиш варақалари тегишли ТШИИБнинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда ХЧК ва ФРБ деб юритилади) юборилади.

ТШИИБ ХЧК ва ФРБ келиш варақаларидаги маълумотларни компьютер маълумотлар базасига киритгандан кейин уларни реал вақт режимида маълумотларни узатишнинг идоравий тармоғи бўйича ИИБ ХЧК ва ФРБнинг марказий маълумотлар базасига юборади.

31. ИИБ ХЧК ва ФРБ ҳар ойда маълумотларни узатиш идоравий тармоғи бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга қўйилган фуқароларнинг рўйхатларини (электрон шаклда) уларнинг доимий яшаш жойи бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ХЧК ва ФРБларига юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг ХЧК ва ФРБлари фуқаронинг доимий яшаш жойидаги ТШИИБ ҲООБга фуқаронинг Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида ҳисобга олинганлиги тўғрисида маълум қилади.

32. МТП профилактика (катта) инспектори мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига мувофиқ ҳисоботларни ҳар ойнинг якунида ТШИИБ ҲООБга тақдим этади. ТШИИБ ҲООБлари ўз навбатида барча МТПларнинг ҳисоботларини умумлаштириб, Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент вилояти ИИБ ҲООБга тақдим этади. Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ҲООБлари барча ТШИИБ ҲООБларининг ҳисоботларини ҳар ой якуни бўйича умумлаштириб, кейинги ойнинг 5-санасига қадар ИИБ ҲООБга тақдим этади.

V боб. Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишлари устидан назоратни ташкил этиш

33. ТШИИБ раҳбариятининг кўрсатмасига асосан ТШИИБ ҲООБ масъул ходимлари МТП профилактика (катта) инспекторлари томонидан фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш борасида амалга ошираётган ишларининг ахволини ҳар ойда икки мартаба

ўрганиб чиқади. Ўрганиш жараёнида профилактика (катта) инспекторлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланади.

34. Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан тасдиқланган режа-топшириқ асосида уларнинг масъул ходимлари ҳар чоракда ТШИИБ ҲООБлари ҳамда МТП профилактика (катта) инспекторлари томонидан фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишларининг аҳволини ўрганиб чиқади ва ТШИИБ ҲООБ ҳамда МТП профилактика (катта) инспекторлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилайди.

35. ИИБ раҳбарияти томонидан тасдиқланган режа-топшириқ асосида ИИБ ҲООББ масъул ходимлари бир йилда камида икки маротаба Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ҲООБлари, ТШИИБ ҲООБлари ва МТПлар томонидан фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш ишларининг аҳволини ўрганиб чиқади ва йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилайди.

VI боб. Қайд варағини тайёрлаш ва ҳисобини юритиш

36. Қайд варақлари химояланган махсус бланкада «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 120 x 80 мм ўлчамда тайёрланади, серия (Тошкент шаҳри учун «TSh» серия, Тошкент вилояти учун «TV» серия) ва тартиб рақамига эга бўлади.

Қайд варақлари мазкур Йўриқноманинг 16-иловасига мувофиқ ИИБ ҲООББда юритиладиган «Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш китоби»га кирим қилиниб, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБга тарқатилади.

ИИБ ҲООББдан олинган қайд варақлари Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ҲООББда мазкур Йўриқноманинг 16-иловасига мувофиқ юритиладиган «Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш китоби»га кирим қилиниб, ТШИИБ ҲООБларга тарқатилади.

37. ТШИИБ ҲООБлари томонидан ўз навбатида ушбу қайд варақлар мазкур Йўриқноманинг 17-иловасига мувофиқ юритиладиган «Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш китоби»га қайд қилиниб, қатъий ҳисоби юритилади ҳамда хизматда фойдаланиш учун профилактика (катта) инспекторларига тарқатилади. Профилактика (катта) инспекторлари хизматда фойдаланиш учун олган қайд варақларини белгиланган тартибда сақланишини таъминлайди.

Қайд варақларига босиладиган муҳр мазкур Йўриқноманинг 18-иловасига мувофиқ шаклда тайёрланиб, назорат лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш тизими билан келишилади ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБ ҲООБлари томонидан ички ишлар органларида юритиладиган муҳрларни ҳисобга олиш китоби орқали МТПларга тарқатилади.

Ушбу муҳр профилактика (катта) инспектори томонидан белгиланган тартибда МТП сейфида сақланиши таъминланади.

VII боб. Яқуний қоидалар

38. Мазкур Йўриқнома талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Турар жой бўлмаган биноларга фуқароларни ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинмаган фуқароларнинг яшаши учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

39. Мазкур Йўриқноманинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

40. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан келишилган.

Бош прокурор

Р. ҚОДИРОВ

2012 йил 30 апрель

**Миллий хавфсизлик
хизмати раиси**

Р. ИНОЯТОВ

2012 йил 30 апрель

**Олий ва ўрта-маҳсус
таълим вазири**

Б. ХОДИЕВ

2012 йил 30 апрель

Халқ таълими вазири

Т. ШИРИНОВ

2012 йил 30 апрель

21 (521)-сон

— 51 —

237-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар)
____-сон милиция таянч пункти
профилактика (катта) инспектори
_____га
_____ йилда туғилган фуқаро

(Ф.И.О.)
_____дан

А Р И З А

Мени (16 ёшга тўлмаган фарзандларим билан бирга) жами _____ кишини
_____ муддатга танишим (қариндошим) _____нинг
(қанча муддатга) (Ф.И.О.)

қуйидаги манзилдаги:

_____ туман (шаҳар), _____ маҳалласи, _____ кўчаси,
_____ уй, _____ хонадонига ҳисобга олишингизни сўрайман.

Вақтинчалик яшашга келишдан мақсадим _____.

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

Ариза берувчининг имзоси _____ 20__ йил «__» _____

_____ серияли _____-сонли қайд варағини олдим.

20__ йил «__» _____. Ариза берувчининг имзоси _____

237-модда

— 52 —

21 (521)-сон

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) _____-сон милиция
таянч пункти профилактика (катта) инспектори
_____га
_____ йилда туғилган фуқаро
_____дан
(Ф.И.О.)

А Р И З А
(Р О З И Л И К)

Мен _____ ўзимга тегишли бўлган
(Ф.И.О.)
_____ маҳалласи, _____ кўчаси, ___ уй, _____ хонадонда танишим
(қариндошим) _____ вақтинчалик
яшашига розиман. (Ф.И.О.)

Шахсимни тасдиқловчи ва уй-жой ҳужжатларининг нусхаларини илова қиламан.

Ариза берувчининг имзоси _____

20__ йил «___» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
З-ИЛОВА

21 (521)-сон

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси
_____ туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)
_____ -сонли милиция таянч пункти**

**Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан
ёзган аризаларини қайд этиш
К И Т О Б И**

Бошланди: 20__ йил «__» _____
Тамом бўлди: 20__ йил «__» _____

Китобнинг ички кўриниши

Чап томони

| Т/р | Ариза берувчи ва у билан бирга келган 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами | Ариза берувчининг доимий турар жойи | Ариза қайд этилган сана | Ариза берувчи ҳисобга олинган турар жой |
|-----|---|-------------------------------------|-------------------------|---|
| | | | | |

— 53 —

237-модда

ЎНГ томони

| Турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили, телефон рақами | Ҳисобга олинган шахснинг келиш варақаси Манзил-маълумотнома бюросига юборилган сана | Қайд варағининг рақами, берилган санаси ва муддати | Ҳисобдан чиқарилган сана | Изоҳ |
|---|--|---|---------------------------------|-------------|
| | | | | |

21 (521)-сон

— 55 —

237-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

Олд томони

**Фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган,
Тошкент шаҳрида турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тўғрисидаги ҳужжатга
TSh____-сон**

ҚАЙД ВАРАҒИ

1. Фамилияси _____
2. Исми _____
3. Отасининг исми _____
4. Туғилган санаси _____ 5. Туғилган жойи _____
6. Қачон ва қаердан келган _____

(доимий яшаш жойи манзили)

Орқа томони

7. Шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

8. Тошкент шаҳридаги яшаш манзили _____

9. Келишдан мақсад _____

10. ____ йил «__» _____ гача турган жойи бўйича ҳисобга
олиш муддати

11. Қайд варағини берган орган _____

12. Қайд варағини берган мансабдор шахснинг имзоси

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

**Мухр
ўрни**

фотосурат
(35 x 45 мм)



Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
4а-ИЛОВА

Олд томони

**Фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган,
Тошкент шаҳрида турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тўғрисидаги ҳужжатга
TSh _____-сон**

**ҚАЙД ВАРАҒИ
(16 ёшга тўлмаган шахслар учун)**

1. Фамилияси _____
2. Исми _____
3. Отасининг исми _____
4. Туғилган санаси _____ 5. Туғилган жойи _____
6. Қачон ва қаердан келган _____

(доимий яшаш жойи манзили)

Орқа томони

7. Шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

8. Тошкент шаҳридаги яшаш манзили _____

9. Келишдан мақсади _____

10. _____ йил «____» _____ гача турган жойи бўйича ҳисобга
олиш муддати


11. Қайд варағини берган орган _____

12. Қайд варағини берган мансабдор шахсининг имзоси

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «____»



21 (521)-сон

— 57 —

237-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
5-ИЛОВА

Олд томони

**Фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган,
Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тўғрисидаги ҳужжатга
TV____-сон**

ҚАЙД ВАРАҒИ

1. Фамилияси _____
2. Исми _____
3. Отасининг исми _____
4. Туғилган санаси _____ 5. Туғилган жойи _____
6. Қачон ва қаердан келган _____

(доимий яшаш жойи манзили)

Орқа томони

7. Шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

8. Тошкент шаҳридаги яшаш манзили _____

9. Келишдан мақсади _____

10. _____ йил «_____» _____ гача турган жойи бўйича ҳисобга
олиш муддати

11. Қайд варағини берган орган _____

12. Қайд варағини берган мансабдор шахснинг имзоси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «_____» _____

**Мухр
ўрни**

фотосурат
(35 x 45 мм)



Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
5а-ИЛОВА

Олд томони

**Фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган,
Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга
олиш тўғрисидаги ҳужжатга
TV _____-сон**

**ҚАЙД ВАРАҒИ
(16 ёшга тўлмаган шахслар учун)**

1. Фамилияси _____
2. Исми _____
3. Отасининг исми _____
4. Туғилган санаси _____ 5. Туғилган жойи _____
6. Қачон ва қаердан келган _____

(доимий яшаш жойи манзили)

Орқа томони

7. Шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат _____

(серияси, тартиб рақами, ким томонидан ва қачон берилган)

8. Тошкент шаҳридаги яшаш манзили _____

9. Келишдан мақсади _____

10. _____ йил «_____» _____ гача турган жойи бўйича ҳисобга олиш муддати

11. Қайд варағини берган орган _____

12. Қайд варағини берган мансабдор шахснинг имзоси _____

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «_____» _____



Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
6-ИЛОВА

Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош бошқармаси
Манзил-маълумотнома бюросига

Х А Б А Р Н О М А

1. Фуқаро _____
(Ф.И.О.)
2. Туғилган санаси ____ йил «__» _____
3. Туғилган жойи _____
4. Ҳисобга олинган манзил _____
5. Паспорт серияси ____ рақами _____, _____ туман
(шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) томонидан _____ йил _____ да
берилган
6. Ҳисобга олинган муддат _____
7. Муддатидан олдин ҳисобдан чиқарилиши сабаби _____

____-сонли милиция таянч пункти
профилактика (катта) инспектори _____ _____
(Ф.И.О., унвони) (имзо)

20 йил «__» _____

237-модда

— 60 —

21 (521)-сон

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
7-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) ____-сон
милиция таянч пункти
профилактика (катта) инспектори
_____га
_____ йилда туғилган фуқаро
_____дан
(Ф.И.О.)

А Р И З А

Мен (16 ёшга тўлмаган фарзандим _____)
(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____дан ҳозирги кунга қадар танишим (қариндошим)
_____нинг қўйидаги манзилдаги:
_____ маҳалласи _____ кўчаси __ уй, _____ хонадонда ҳисобга
олинган эдим.

Менга (16 ёшга тўлмаган фарзандим _____га)
(Ф.И.О.)

юқорида кўрсатилган манзил бўйича қайд варағи берилган эди. Ушбу қайд
варағини йўқотиб қўйганлигим (яроқсиз ҳолга келганлиги) сабабли унинг
дубликатини расмийлаштириб беришингизни сўрайман.

Ариза берувчининг имзоси _____

20__ йил «__» _____

_____ серияли _____-сонли қайд варағини олдим.

20__ йил «__» _____ Ариза берувчининг имзоси _____

21 (521)-сон

— 61 —

237-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
8-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) _____-сон
милиция таянч пункти
профилактика (катта) инспектори
_____га
_____ йилда туғилган фуқаро

(Ф.И.О.)
_____дан

А Р И З А

Мен (16 ёшга тўлмаган фарзандларим билан) жами _____ киши,
20__ йил «__» _____дан ҳозирги кунга қадар танишим (қариндошим)
_____нинг қўйидаги манзилдаги:
(Ф.И.О)

_____ туман (шаҳар), _____ маҳалласи _____, кўчаси, __ уй,
_____ хонадонда ҳисобга олинган эдим.

Менга (16 ёшга тўлмаган фарзандларимга) юқорида кўрсатилган манзил бўйича қайд варағи берилган эди. Ҳозирги кунда мен қўйидаги манзилга: _____ туман (шаҳар), _____ маҳалласи, _____ кўчаси, __ уй, _____ хонадонга яшаш учун ўтганлигим сабабли мени (16 ёшга тўлмаган фарзандларимни) мазкур манзил бўйича ҳисобга олишингизни сўрайман.

Аризага қўйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

Ариза берувчининг имзоси _____ 20__ йил «__» _____

____серияли _____сонли қайд варағини олдим.

20__ йил «__» _____ Ариза берувчининг имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
9-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Хуқуқбузарликни олдини олиш
бош бошқармаси бошлиғи
_____га
_____ йилда туғилган фуқаро
_____дан
(Ф.И.О.)

А Р И З А

Мени (16 ёшга тўлмаган фарзандларим билан бирга) жами _____ ки-
шини _____ муддатга танишим (қариндошим) _____нинг
(Ф.И.О.)

қуйидаги манзилдаги: _____ туман (шаҳар), _____ маҳалласи, _____
кўчаси, _____ уй, _____ хонадонга қайта ҳисобга олишингизни сўрайман.

Вақтинчалик яшашга келишдан мақсадим _____

Аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қиламан:

Ариза берувчининг имзоси _____ 20__ йил «___» _____

___ серияли _____-сонли қайд варағини олдим.

20__ йил «___» _____ Ариза берувчининг имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
10-ИЛОВА

21 (521)-сон

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси
_____ туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)
_____-сонли милиция таянч пункти**

**Фуқароларнинг турган жойи бўйича қайта ҳисобга олиниши
юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш
К И Т О Б И**

Бошланди: 20____ йил «____» _____
Тамом бўлди: 20____ йил «____» _____

Чап томони

| Т/р | Ариза берувчининг Ф.И.О., туғилган санаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами | Ариза берувчининг доимий турар жойи | Ариза қайд этилган сана | Ариза берувчининг вақтинчалик турар жойи |
|-----|--|--|----------------------------|---|
| | | | | |

— 63 —

237-модда

ЎНГ томони

| Ариза берувчи билан бирга ҳисобга олинган 16 ёшга тўлмаган фарзандларининг Ф.И.О., туғилган санаси | Вақтинчалик турар жой берган мулкдорнинг доимий яшаш манзили, телефон рақами | Қайта ҳисобга олинган шахснинг келиш варақаси Манзил-маълумотнома бюросига юборилган сана | Қайд варағи рақами, берилган санаси ва муддати | Ҳисобдан чиқарилган сана | Изоҳ |
|--|--|---|--|--------------------------|------|
| | | | | | |

21 (521)-сон

— 65 —

237-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
11-ИЛОВА

Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти
Ички ишлар бошқармаси
Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бошқармаси
бошлиғи _____га
(Ф.И.О.)

М А Ъ Л У М О Т Н О М А

Мен, _____ туман (шаҳар) ички ишлар бошқар-
маси (бўлими) Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими (бўлинмаси) (катта)
инспектори, _____,
(Ф.И.О.)

_____ маҳалласи _____-сон милиция таянч пункти профилактика
(катта) инспектори _____нинг _____
йилда туғилган фуқаро _____нинг қайта ҳисобга
олиниши юзасидан ёзган аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар йиғма жил-
ди билан танишиб чиқиб қуйидагиларни аниқладим:

(мазмунни ёзилади)

(имзо)

20__ йил «__» _____

Келишилди:

туман (шаҳар) ички ишлар
бошқармаси (бўлими)
бошлиғи ўринбосари _____

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
12-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент шаҳар
Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти
Ички ишлар бошқармаси
Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бошқармаси
бошлиғи _____
(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Х У Л О С А

Мен, _____,
(Ф.И.О.)

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бошқармаси (катта) инспектори, _____ туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими (бўлинмаси)нинг _____ йилда туғилган фуқаро _____нинг қайта ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар йиғма жилди билан танишиб чиқиб қўйидагиларни аниқладим:

(мазмунни ёзилади)

Юқоридагиларни инобатга олиб, фуқаро _____ни _____ муддатга қайта ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси
Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бошқармаси
(катта) инспекторининг имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
13-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Ҳуқуқбузарликни олдини олиш
бош бошқармаси бошлиғи
20__ йил «__» _____

Фуқаро _____ни
(Ф.И.О.)

қайта ҳисобга олиш/қайта ҳисобга олишни рад этиш ҳақида

Қ А Р О Р

Мен, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликни
олдини олиш бош бошқармаси (катта) инспектори _____
(Ф.И.О., унвони)

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси/Тошкент вилояти Ички иш-
лар бошқармаси Ҳуқуқбузарликни олдини олиш бошқармаси томонидан
тақдим этилган, _____ йилда туғилган фуқаро _____нинг
қайта ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаси бўйича тўпланган ҳужжат-
лар йиғма жилди ҳамда хулосаси билан танишиб чиқиб қуйидагиларни аниқ-
ладим:

(мазмуни ёзилади)

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарор қилдим:

фуқаро _____, _____ муддатга қайта
ҳисобга олинсин/қайта ҳисобга олиниши рад этилсин.

Қабул қилинган қарор фуқаро _____га етказилсин.

Мазкур қарор ижро учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқарма-
си/Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликни олдини
олиш бошқармасига юборилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Ҳуқуқбузарликни олдини
олиш бош бошқармаси
(катта) инспектори _____

(Ф.И.О., унвони)

(имзо)

20__ йил «__» _____

«РОЗИМАН»

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ ҲООББ бошлиғи

ўринбосари _____

(Ф.И.О., унвони)

(имзо)

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
14-ИЛОВА

Келиш варақаси

- 1. Фамилияси _____
- 2. Исми _____
- 3. Отасининг исми _____
- 4. Туғилган санаси: _____ йил «__» _____
- 5. Туғилган жойи | вилоят (республика) _____
- | туман _____
- | шаҳар (шаҳарча) _____
- | қишлоқ (овул) _____

- 6. Жинси _____ 7. Миллати _____
- эркак, аёл

- 8. Ҳисобга оли- | вилоят _____
- наётган | туман _____
- манзил | шаҳар (шаҳарча) _____
- | қишлоқ _____
- | кўча _____ маҳалла _____
- | уй _____ бино _____ хонадон _____

ҳисобга олишни расмийлаштирган милиция таянч пункти рақами

- 9. Қачон, | 20__ йил «__» _____
- қардан | вилоят (республика) _____
- келди | туман _____
- | шаҳар (шаҳарча) _____
- | қишлоқ (овул) _____

Орқа томони

10. Келишдан мақсад ва муддати _____

_____ ўқишга, ишга ёки бошқа сабаб кўрсатилади

11. Қарда ва қайси лавозимда ишлайди _____

_____ агар ишламаётган бўлса: нафақада, ўқувчи, бировнинг

_____ қарамоғида эканлиги кўрсатилсин ва бошқалар

12. Паспорт серияси _____ рақами _____

_____ қачон, қайси ички ишлар органи томонидан берилган, амал қилиш муддати

20__ йил «__» _____

13. Фуқаро билан бирга 16 ёшгача фарзандлари ҳам келган:

| Ф.И.О. | Жинси | Туғилган санаси |
|--------|-------|-----------------|
| | | |
| | | |
| | | |

Эслатма: Фарзандлар ота-оналаридан фақат биттасининг келиш варақасига ёзилади.

14. Варақа 20__ йил «__» _____ да тўлдирилди.

Ҳисобга олган масъул ходим Ф.И.О. _____

15. Маълумотларни текширдим ва ҳисобга олишни расмий-лаштирдим:

20__ йил «__» _____.

_____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
15-ИЛОВА

237-модда

**20__ йилнинг __оји мобайнида Тошкент шаҳри/Тошкент вилоятида турган
жойи бўйича ҳисобга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Минтақалар | Жами | Тошкент шаҳри / Тошкент вилояти туман (шаҳар)лари | | | | | |
|-------------------------------|------------------------------|------|---|--|--|--|--|--|
| | | | | | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | |
| 2. | Андижон | | | | | | | |
| 3. | Бухоро | | | | | | | |
| 4. | Жиззах | | | | | | | |
| 5. | Навой | | | | | | | |
| 6. | Наманган | | | | | | | |
| 7. | Самарқанд | | | | | | | |
| 8. | Сирдарё | | | | | | | |
| 9. | Сурхондарё | | | | | | | |
| 10. | Фарғона | | | | | | | |
| 11. | Хоразм | | | | | | | |
| 12. | Қашқадарё | | | | | | | |
| 13. | Тошкент вил. | | | | | | | |
| 14. | Тошкент ш. | | | | | | | |
| | Жами | | | | | | | |
| Ҳисобга олинган муддат | | | | | | | | |
| 1. | 1 ойгача | | | | | | | |
| 2. | 3 ойгача | | | | | | | |
| 3. | 6 ойгача | | | | | | | |
| 4. | Жами | | | | | | | |

— 70 —

21 (521)-сон

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
16-ИЛОВА

21 (521)-сон

**Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш
КИТОБИ**

1-бўлим. Кирим.

| Т/р | Кирим қилинган ҳужжатнинг рақами ва санаси | Кимдан келиб тушди | Сони | Серияси | Рақамлари дан гача | Эслатма |
|-----|--|-----------------------|------|---------|--------------------------|---------|
| | | | | | | |
| | | | | | | |

2-бўлим. Чиқим.

| Т/р | Кирим қилинган ҳужжатнинг рақами ва санаси | Олиб кетган ички ишлар органи номи | Сони | Серияси | Рақамлари дан гача | Эслатма |
|-----|--|--|------|---------|--------------------------|---------|
| | | | | | | |
| | | | | | | |

— 71 —

237-модда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
17-ИЛОВА

237-модда

**Қайд варақлари бланкаларини кирим ва чиқим қилиш
КИТОБИ**

1-бўлим. Кирим.

| Т/р | Кирим қилинган ҳужжатнинг рақами ва санаси | Қимдан келиб тушди | Сони | Серияси | Рақамлари дан гача | Эслатма |
|-----|--|-----------------------|------|---------|--------------------------|---------|
| | | | | | | |
| | | | | | | |

2-бўлим. Чиқим.

| Т/р | Кирим қилинган ҳужжат рақами ва санаси | Қайд варақлари бланкаларини олган милиция таянч пункти профилактика (катта) инспектори Ф.И.О., унвони, лавозими | Сони | Серияси | Рақамлари дан гача | Қайд варақлари бланкаларини олган ходим имзоси | Эслатма |
|-----|---|--|------|---------|--------------------------|--|---------|
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

— 72 —

21 (521)-сон

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида
турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
18-ИЛОВА

Милиция таянч пункти муҳрининг ТАВСИФИ

Муҳрдан фақат фуқаронинг турган жойи бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги ҳужжатга қайд варағини ҳамда эр-хотиннинг камида бир йил бургаликда яшаётганлиги тўғрисидаги маълумотномани тасдиқлаш учун фойдаланилади.

Муҳр Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси туман (шаҳар) Хуқуқбузарликни олдини олиш бўлим (бўлинма)ларининг милиция таянч пунктларига бириктирилади.

Муҳр айланаси бўйича ўзбек тилида «O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi, Toshkent shahar Ichki ishlar bosh boshqarmasi/Toshkent viloyati Ichki ishlar boshqarmasi» сўзлари бўлиб, марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва унинг тагида тегишли милиция таянч пунктнинг тартиб рақами қўйилади.

Милиция таянч пунктнинг тартиб рақами бешта рақамдан иборат бўлиб, қуйидаги кўринишда ёзилади: 00-000.

Биринчи иккита рақамга муҳрнинг қайси туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма (бўлими)га тегишли эканлиги, кейинги учта рақам эса қайси милиция таянч пунктига тегишли эканлигини билдиради. Масалан, 01-001, бунда, 01 — Учтепа тумани, 001 — милиция таянч пункти рақами.

Муҳр Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан марказлашган ҳолда тайёрланиб, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси орқали барча милиция таянч пунктларига бириктирилади.

